



Туркистон мустамлакага айлантирилгач, подшо Россияси ўзининг асосий максоди этиб энг аввало халklarимизда миллий давлатчилик туйгуларини йўк қилиш этиб белгилади. Бунда ҳамма сохада рус миллатчилик шовинизмини қарор топтириш кўзланди. Рус амалдорларидан бири татар А.Диваева шундай ёзган эди: - «Бу халklar жуда бой маданиятга эга, бу маданиятни ўрганиш биз учун жуда ҳам оғир. Бирок биз бу маданиятни ўрганишга мажбурмиз, чунки бундан буён бу халklarни биз бошқарамиз». (Киргизские пословици. М.1900. 2-бет).

Туркистонда барча рус амалдорлари, зиёлилари ўлкада буюк рус давлатчилик гоёларини амалга оширишга киришдилар. Туркистонда сиёсий, иктисодий ва миллий маънавий зулм ниҳоятда кучайди.

Ўлка аҳолисининг рўйхатга олингач, эркакларни харбий хизматга олиш масаласи юзага келди. Бирок ўлкада махсус тафтиш ишлари олиб борган махфий маслахатчи Гирснинг берган маълумотларига асосан подшо ҳукумати туркистонликлардан армияга олиш фикридан қайтди ва уларга харбий солиқлар жорий этди. Подшо махаллий халklarнинг кўлига қурол бериб, харбий ишларга ўргатиш ўзи учун ниҳоятда хавфли тадбир эканлигини англади. Подшо ҳукуматининг Туркистонда олиб борган мустамлакалаштириш сиёсати махаллий халklarимизда кучли норозилик келтириб чиқарди ва русларнинг бу ерга кириб келган дастлабки қўнлариданок мустамлакачиларга ўзининг норозилигини намоён этиб турди. XIX асрнинг 70-80 йилларида эса мустамлакачиларга қарши миллий озодлик ҳаракатлари Туркистон ўлкасининг деярли барча жойларида кучайиб кетди. Бу ҳақда махфий маслахатчи Гирс ҳам ўз маълумотларида тўхталиб ўтиб, «халқда русларга қарши қурашиш бефойда», деган тушунча пайдо бўлган, - дея таъкидлаб ўтади. Бирок биз кейинги йилларда бўлиб бир қанча миллий озодлик ҳаракатларидан халқда бундай ҳулоса пайдо бўлмаганлигини кўрамиз. Миллий озодлик ҳаракатларининг кучайишига яна бир сабаб, мустамлакачилар томонидан амалга оширилаётган иктисодий зулм эди. Россия Туркистонни босиб олгач, ўзининг иктисодий манфаатларини амалга оширишга ва ўлкани хом-ашё базасига айлантиришга киришди. Қишлоқ хўжалигидаги амалга оширилган сиёсат, ўлкада саноат ишлаб чиқаришнинг шакиллантирилиши тўлалигича рус подшоси манфаатлари учун ишлай бошлади. Махаллий халklarнинг барча инсоний ҳуқуқлари поймол этилиб, уларга факатгина арзон ишчи қучи бўлган қўллар қаби муомала қилинди. Ер мулкларнинг йирик мулкдорлар қўлида тўпланиши, турли банklarнинг очилиши, савдо судхўрлик капиталининг кучайиши ўлкада қашшоқларнинг қўпайишига олиб келди. Айниқса, руслаштириш сиёсати орқали ўлкага қўплаб рус мужикларини қўчириб келтирилиши ҳам халklarимизнинг азалий тириклик манбаи бўлган ер сувларидан маҳрум бўлишига ва

ёлланма ишчиларга, мардикорларга айланиб боришига олиб келди. Судхўрликнинг ниhoятда, кучайиб авж олиши ҳам асосан оддий дехконларни катта-катта карзларга бостириб, ўз ери ва эркидан махрум бўлишларига олиб келди. Руслар келиши билан бошланган очрачиликлар, кашшокликлар, турли касалликларнинг кўпайиши, айникса, руслар билан тенгма тенг ўлкада кенг таркалган ўгрилик, талончилик, юлгичлик оддий халкнинг бошига огир савдоларни солди. Халкимиз хар томонлама мустамлакачилик зулми остида эзилган бўлсада, бироқ ўзининг иззати, эрки, кадр-киммати топталаётганлигига индамай караб турмади ва рус мустамлакачиларига карши кўплаб мартаба эрк ва истиклол учун курашлар олиб борди. Бу курашлар 70-80 йилларда Фаргона водийсида, 90-йилларда Тошкентда ва Фаргона водийсида, ХХ асрнинг бошларига келиб Туркистон ўлкасининг деярли барча худудларида муттасил давом этиб турди ва халкимизнинг ўз эрки ва озодлигини кўлга киритиши учун ҳеч қачон курашларни пасайтирмаганлиги уни юкорида айтганимиздек «бефойда» деб ўйламаганлиги бу курашларнинг мохиятини очиб беради.

Подшо Россияси томонидан амалга оширилган иктисодий ва миллий зулм халklarимизнинг миллий озодлик курашларини кучайишига олиб келди. Хукмрон тузумга карши кўзголонлар асосан камбагал дехконлар, косиблар, хунармандлар томонидан амалга оширилди. Миллий гурурини йўкотмаган айрим юкори табака вакиллари ҳам бу кўзголонларда иштирок этдилар. 1878 йилда Мингтепада Етимхон бошчилигида русларга карши кўзголон кўтарилди. Бироқ рус мустамлакачи ҳукумати катта харбий кучлар ёрдамида Етимхон бошчилигидаги кўзголонларни бостирди. Бироқ, ўлкада рус чоризмига карши кўзголонлар бу билан бошланди деб бўлмади. Бу даврда юз берган миллий озодлик харакатларини махсус тадқиқ қилган тарихчи Х.Бобобеков куйидаги бир катор кўзголонларни санаб ўтади:

1. Козогистон минтакасида 1783-1793 йилларда бўлиб ўтган Сирим Ботир кўзголови.
2. 1822-23 йилларда бўлиб ўтган Жуломон Тиланчи кўзголови.
3. 1836-1838 йилларда бўлиб ўтган Исатой Тойман кўзголови.
4. 1837-1846 йилларда бўлиб ўтган Султон Кенасари кўзголови.
5. 1856 йилда бўлиб ўтган Сирдарёдаги Жонхўжа Нурмухаммедов бошчилигидаги кўзголон.
6. 1868 йилдаги Самарканд мудофааси ва Бухоро шаҳри, Шахрисабз бекликларидаги кўзголонлар.
7. 1870 йилда Мангишлок киргизларининг кўзголонлари.
8. 1871 йилда Сирдарё вилоятида Эшон Эшмухаммад бошчилигидаги кўзголонлар.
9. 1878 йилдаги Мингтепадаги Етимхон кўзголови ва бошқалар.

Юкоридагилардан кўринадики, Етимхон кўзголонига ҳам рус мустамлакачилигига карши махаллий халklar томонидан кўплаб марта кўзголонлар кўтарилган. Улар орасида Султон Содик бошчилигидаги, Ботирхон Тўра бошчилигидаги, Пўлатхон, Кўрбонжон додхохлар бошчиликларидаги миллий озодлик харакатларини алохида кўрсатиб ўтиш лозим.

Шунингдек, Бобобеков 1887-1897 йилларда Сирдарё, Самарканд, Фаргона вилоятларида мустамлака идораларига карши жаъми 663 марта хужумлар бўлиб ўтканлиги алохида таъкидлаб ўтади. Етимхон кўзголови мағлубиятга учрагач ҳам, Фаргона водийсида мустамлакачиларга карши курашлар пасайиб қолмади. Бундан харакатлар турли шароитларда бўлиб турди.

1880 йилда алохида барча солиқлар йигиб олингандан сўнг Хўжанд Уездининг бошлиги Путинцев Ўратепа ва Хўжанд ахолисидан кўшимча солиқ йигиб олиш тўғрисида кўрсатма беради. Бундан газабга тўлган халқ Рахмонкулихожа ва Миркаримбойлар бошчилигида уезд маҳкамасига бориб норозиликларни билдирадilar. Кўзғолончиларга қарши қуч ишлатилади ва бошлиқлари ҳисобга олинади.

Шундай ҳаракатлардан бири 1882 йил ноябрида Наманганда бўлиб ўтади.

Кўзғолончилар тарқатилиб, раҳбарлари қамолга олинади.

1882 йили Ўшда ва 1883 йили Чустда кўтарилган кўзғолонлар ҳам шу тариқа бостирилди.

80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг бошларида Фарғона водийсида кўзғолонлар яна авж олди. Кўзғолончилар ўзларига қарашли бўлган ва зулм ўтказган бойлар ҳамда волост бошлиқларининг уйларига ўт қўйиш ва ҳужумлар уюштиришни қучайтирдilar. Андижон уездининг Кўргонтепа волостида Дарвешхон бошчилигида мустамлақачиларга қарши очикдан-очик қуролли курашга тайёргарлик қўрилади бошланди. Ҳукумат бундан хабар топгач, у ерга ҳарбий қучларни юборди ва кўзғолончиларга зарба берилди. Кўзғолон раҳбарларидан бири Мўминбой дорға осилди.

1890 йилда Наманганнинг Қапа волости Қумқўргон қишлоғида ҳам маъмуриятга қарши норозилик бўлиб ўтди. Бунга ҳам қарши ҳарбийлардан фойдаланилди.

1893 йил февралда Қўқон волостининг Қашқар ва Ниёз қишлоқларида, 13 февралда Андижон яқинидаги Қўқон қишлоқда мустамлақачи маъмуриятга қарши қучли норозилик ҳаракатлари бўлиб ўтди. Айниқса, Қўқон қишлоғида халқ пристав ва унинг ёрдамчиларини қалтақлаб, уларни бу ердан ҳайдаб юборди. Бу кўзғолон билан Фарғона вилояти гарбий губернатори генерал лейтенант Қорольков Н.И шахсан ўзи шугулланди ва кўзғолончиларни жазолаш учун ўз ёрдамчиси генерал-майор Мединскийни юборди. Русларнинг қатта ҳарбий қучлари Қўқон қишлоқ ахолисини қаттиқ қийноқларга солдилар ва уларнинг мол-мулкларини тортди олдилар.

Бундай кўзғолон ва норозилик Андижон уездининг Қенгқўл волостида элликбошиларни сайлаш вақтида ҳам юз берди. 1896 йилда Наманган уездининг Оксув-Шаҳрихон волостидаги Найманча, Қўҳна мазор, Лангарбоб қишлоқларида ҳам элликбоши ва мингбошилар сайловлари вақтида шундай ҳаракатлар бўлиб ўтди. Бу кўзғолонларда ҳам халқ пристав ва унинг амалдорларини дўппослаш, уларни тошбўрон қилиш билан чекланди.

1895-1896 йилларда Қенгқўл-Қорақир, Олмос, Сариксув, Оксув-Шаҳрихон волостларда яна бир неча марта шу қаби кўзғолонлар бўлиб турди.

Фарғона водийсида тинмасдан кўтарилиб турган бундай кўзғолонлар ва миллий озодлик ҳаракатлари мустамлақачи ҳукуматни даҳшатга солди. Маъмурият кўзғолонларнинг олдини олиш ва кўзғолончиларга қарши курашда шафқатсиз бўлиш билан бирга кўзғолончиларни жазога торттишда ҳам қенг вақолатларга эга эди.

1892 йилдан бошлаб рус мустамлақачи ҳукумати ҳукуматга қарши қилинган ҳар қандай жиноятни қўриш учун ҳарбий судига боришга одатланишди. Бунда «жиноятчиларни» «олий жазо» га ҳукм қилиш учун қатта ҳуқуқлар берилди ва бундан асосий мақсад халқни доимий қўрқув ва ҳавотир, даҳшат остида яшашга мажбур қилиш эди.

Қўқон хонлиги тугатилиб, ўрнида Фарғона вилояти ташкил этилгач, халқимизнинг ватанпарвар фарзандлари ўз эрки ва озодлигини қўлга қиритиш ҳамда миллий давлатчиликларини тиклаш учун курашни бир дам ҳам пасайтирмадилар. Пўлатхон кўзғолони мағлубиятга учрагач, Фарғона водийсидаги барча ватанпарвар қучлар яна

бир истиклол учун курашчи-машхур киргиз аёли Курбонжон додхох кўшинлари сафига келиб кўшилдилар. Водийда яшовчи ўзбек, киргиз, тожик халклари биргалашиб умумий душманга карши курашни давом эттирдилар.

Курбонжон додхох Европадаги урушларда катта тажриба орттирган рус генералларидан бири Д.Скобелевга карши курашларда уни маглубиятга учратади. 1876 йил ёзида бўлиб ўтган жангдан сўнг, маглубиятга учраган генерал Скобелев сулх сўраб, Курбонжон додхох хузурига майор Ионовни юборди. Бирок, магрур саркарда аёл майор Ионовни қабул қилмади ва мансаб погонаси жихатидан ўзига тенг бўлган саркарда билангина музокара олиб боришини билдирди. Музокара олиб бориш амалга ошмагандан сўнг руслар яна жангга давом эттиришга мажбур бўлди. Курбонжон додхохнинг ўгли Абдулла ўз укалари билан биргаликда онасини кўллаб қувватлади ва улар билан биргаликда русларга какшаткич зарбалар бера бошладилар. Улар рус мустамлакачиларни ҳар қандай келишувчилик ва битимларни ҳеч қачон ҳалол бажармасликларини ҳам таъкидлаб ўтдилар.

Ўзок ва шиддатли жанглардан сўнг 1876 йил 31 июл куни киргизларнинг мунгиш ва адигина уруглари русларга таслим бўлганликларини билдирдилар. Бирок бу билан руслар истиклолчилик ҳаракатларини Олойда бутунлай бостиришга эриша олмадилар. Руслар Олойда ҳеч қандай муваффақиятга эриша олмагач, Курбонжон додхохни «Олой маликаси» ва ҳукмдори деб тан олдилар. Бу ерлар Россия мулки деб эълон қилинган бўлса ҳам, Курбонжон додхох ўзига қаршли ҳудудларда мустақил сиёсат юритиш ва бошқариш ҳукуқини сақлаб қолди.

Фаргона водийси ва Олойда халқ курашлари давом этарди. Киргизларнинг найман уруги Кўкон хонлари авлодидан бўлган Худойкулни хон деб эълон қилдилар ва курашни давом эттирдилар. Шохимардон ва Лангар кишлокларини эгаллаб, Водил ва Чименни кўлга киритиш учун ҳаракат қилаётган Худойкулга карши генерал Кольпаковский бошчилигидаги жазо отряди юборилди ва Худойкул маглубиятга учради. Бу жанг Қорақия деган жойда бўлиб ўтди.

1876 йилнинг март ойида Абдуллабек ҳам курашларни қучайтирди ва русларнинг таркибидан Терак довоғига қўчаётган вақтда руслар унга карши жанг қилдилар ва Абдуллабек томонидан маглубиятга учрадилар. Абдуллабекка карши юборилган хоин Саримсоқхўжа ҳам маглубиятга учратилди ва қатл этилди. Гулжага қочишга эришган Худойкул кўзголон кўтаришга уриниб кўрди, бироқ кўлга туширилиб, қатл этилди. Давомли курашлардан сўнг тарқок ҳолга келиб қолган Ватан химоячилари ўз қучларини бирлаштирдилар. Абдуллабек, Умарбек, Сулаймон удайчи, Таникул ва Валихон тўралар бошлиқ ўзбек ва киргиз ватанпарварлари русларга карши кураш олиб бориб, Янгиарик дарасини эгаллаб олдилар. Шу вақтларда эса Абдукаримбек ўзини хон деб эълон қилди (1876 й май). Ўзок давом этган курашлар ватан химоячилари учун жуда оғир кечди ва улар мунтазам рус армияларига карши давомли курашлар олиб боришга ожизлик қилдилар. Шунга қарамай рус мустамлакачилигига карши озодлик курашлари Туркистон ўлкасининг турли жойларида ўзини намоён қилиб турди.

Рус мустамлакачилигига карши энг катта курашлардан бири XIX асрнинг 90 йиллари бошида Тошкентда бўлиб ўтди. 1892 йил баҳорида Афғонистоннинг Қобул ва Хирот шаҳарларида вабо касаллиги тарқалди. Бу касаллик баҳорнинг охирида Самарқанд вилояти ва июннинг бошларида Тошкент шаҳрига ҳам етиб келади.

Бу касалликнинг олдини олишдан ожиз бўлган рус мустамлакачи маъмурияти

касалликнинг кенг таркалиб кетишидан хавфсираб, баъзи шошилинич чораларни амалга оширади, шулардан бири сифатида шахардаги мавжуд 12 та кабристоннинг барчаси ёпиб қўйилади. Вафот этганларни дафн қилиш учун ваъда берилган бир нечта кабристон ўрнига шахарлардан олисда факатгина битта кабристон очиб берилади. Шунингдек, вабо билан огриганлар руслар томонидан йўқ қилинади деган миш-мишлар ҳам таркалиб кетади. Бу эса ўз навбатида халкни ваҳимага солиб қўяди. Халк орасида хукуматдан норозилик кайфияти кучайиб боради.

Халкнинг бундай кайфиятидан хавфсираб колган маъмурият халкпарвар ва хакикатгўй эски шахар оксоколи Иногомхўжа Умриёхўжаевни (1833-96) оксоколликдан бекор қилиб, ўрнига ёқтирмайдиган ва русларнинг садокатли кулларида бири Мухаммад Ёкубни шахар оксоколи этиб тайинлайди. Ўз манфаати учун ҳеч нимадан қайтмайдиган Мухаммад Ёкуб ўз ажали билан ёки бошқа касалликлардан вафот этганларни ҳам шахар чеккасидаги махсус кабристонга қўмишни буюради. Вафот этганларнинг кабристонга қўмилишидан ҳам пора ундириш пайига тушганлиги учун халкнинг Мухаммад Ёкубдан норозилиги ошиб кетади. Халк ўзининг кадр-киммати топталаётганлигига чидаб турмайди ва қўзғолон қўтаради.

Бунга яна рус маъмуриятининг вабо касаллигини олдини олиш борасида етарли эътибор бермаётганлиги ҳам асосий сабаблардан бири бўлади. 1892 йилнинг 24 июнга ўтар кечаси Мухаммад Ёкубга вафот этганларни яширинча кабристонга қўмилаётганлиги хақида хабар келади. У бу ҳақда шахар хокими Путинцевни хабардор қилади. Оқибатда эртаси куни бир канча кишилар айбдорлар сифатида камоқка олинади. Халк очикдан-очик ўзига қарши миллий ва диний кадриятларининг, инсонийлик кадр-кимматининг поймол этилаётганлигига қарши чидаб турмади ва Азизёр, Абдул Косимхўжа қаби Тошкентнинг таникли уламолари бошчилигидаги мингга яқин киши хоким қароргоҳи томон юриш қиладилар. Путинцев ва Мухаммад Ёкуб бошчилигидаги шахарликларга қарши турган полициячилар халк томонидан тошбўрон қилинадилар. Хоким ва унинг миршабларини дўппослаш билан бирга хокимнинг маҳкамаси ҳам остин-устун қилинди. Тошкентликларга қарши харбий қуролли қучлар қарши қўйилди ва халк солдатлар томонидан аёвсиз ўққа тутилди. Оқибатда қўплаб кишилар ўлди ва ярадор бўлди. Жазолаш вақтида 60 киши асир олинди. Хисобга олинганлар узок муддатларга қаторга ва камоқ жазоларига 8 киши эса ўлим жазосига маҳкум этилди. Тошкентдаги «вабо исёни» деб ном олинган миллий-озодлик ҳаракати вабо баҳонасида келиб чиқмаган эди. Бу исён мустамлакачи рус маъмурияти олиб бораётган зулм ва зўравонликка асосланган идорага қарши узок йиллар давомида норозиликка айланиб келаётган эди. Вабо факатгина бир туртки бўлган эди холос.

Генерал губернаторликнинг марказида бўлиб ўтган бу курашдан сўнг рус хукумати ниҳоятда, қаттиқ ташвишга тушиб қолди. Туркистон ўлкасида миршаблик ҳолати жорий этилди. «Давлат тартиби ва жамоат осойишталигини муҳофаза этишга доир чоралар хақида Низом» (1887) ва 1892 йил 18 июндан қучга қиритилган «Харбий ҳолатда деб эълон қилинган жойлар хақида Қоидалар» Туркистон ўлкасида жорий этилди. Харбийлар ва полициянинг ваколатлари кенгайтирилди. Ўлкада харбий ҳолат эълон қилинди. Рус мустамлакачи хукумати ўлка аҳолисининг доимо қўрқув ва хавотирда яшашга мажбур қилиш билан бирга, миллий маданият ва маърифатни ҳам чеклаш, маориф ва бошқаларда руслаштириш сиёсатини авж олдиришга киришди. 1895 йилдан бошлаб ўлкада рус тузем мактаблари очила бошланди. Турли сиёсатлари ва тадбирлари билан рус мустамлакачилари маҳаллий халқлар устидан хоким эканликларини намойиш

этиб турдилар.

Чоризмнинг Туркистондаги халklarнинг ватанпарварлик, курашчанлик туйгуларини барбод килишга хар канча уринмасин, ўлканинг энг марказий кисмларида кўзголон давом этиб турди. Рус мустамлакачилиги сиёсати ва хукмронлигига карши навбатдаги кўзголон 1898 йилда Андижонда бўлиб ўтди ва бу курашга Дукчи Эшон (Мухаммад Али халфа) бошчилик килди.

Мухаммад Али Мухаммад Собир ўгли Маргилонга карашли Шахидон кишлогига дунёга келган. У ёшлигида Бухорода ва кейинчалик Андижонда Султонхонтўра Эшон хузурида тарбия топади. Хаёти давомида кишиларга эзгулик ва савоб ишларни кўп килади. Султонхонтўра вафотидан сўнг эса унинг васияти билан Эшоннинг ўрнига пир бўлиб қолади.

1887 йилда Мухаммад Али Эшон Макка сафарига отланади ва Афғонистон, Хиндистон, Эрон, Саудия Арабистони, ортга кайтишда эса Россиянинг жанубий ўлкаларида бўлиб, у ерлардаги тараккиёт ва халк турмушини ўз кўзи билан кўриб, катта таассуротлар билан Фаргонага кайтади.

Эшон чет эл сафарига ўрганиб келган айрим ишларнинг ахоли кўз ўнгида бажаргач, халкнинг унга бўлган эътиқоди ва эхтироми янада ошиб боради. Муридлари унинг ховлисидаги 12 газли минорасини 34 газга кўтариб пишик гишт билан янгилаб беришади ва 500 отга мўлжалланган отхона куриб беришади. У хар куни етим-есирлар ва бева бечораларга овкат килиб улашади.

Мухаммад Алининг халк орасида обрўси ниҳоятда ошиб кетганлиги рус хукуматини ташвишга солиб кўяди. Шу кунларда Эшоннинг ховлисидаги минора кулаб тушади ва талабаларни босиб қолади, оқибатда 23 талаба халок бўлади, 15 таси ярадор бўлади. Бахона топилган рус хукумати Эшонни дархол камокка олади. Бирок жабрларган ва халок бўлган талабаларнинг ота-оналаридан хеч кандай шикоят ва даъво бўлмаганлиги сабабли маъмурият Мухаммад Али Эшонни озод килишга мажбур бўлади. Бу суд ва тергов жараёнлари Эшоннинг обрўсини ниҳоятда, ошириб юборади ва унинг мўридлари кўчаларда намоишлар уюштиришади. 1895 йилда Эшоннинг хузурига Курбонжон додхох ташриф буюради. Бу вақтда унинг ўгли Камчинбек рус амалдорларини ўлдирганликда айбланиб, осиб ўлдирилган эди. Курбонжон додхох эса яна русларга карши бутун киргизларни кўзголонга кўтариши мумкинлиги ва айникса, унинг Дукчи Эшон билан учрашуви мустамлакачи хукуматни каттик ташвишга солади.

1896 йили эса Кўгарт ва Кетмонтепа киргизлари вакиллари Мухаммад Али Эшон хузурига келиб, рус мужикларининг зўравонликлари устидан шикоят килиб келишади. 1897 йил охирида бу кишлокларнинг ахолиси бир ерга тўпланиб, Чибил оксокол ва козок ноиби Мулло Рахматулла бошчилигидаги русларга карши уруш режасини ишлаб чиқишади. Бундан хабар топган рус маъмурияти зудлик билан етиб келади, бирок уни маъракага йигилганликларини айтиб, таркалишади ва Эшонни Мингтепага кузатиб кўйишади. Бунда эълон килинган газотга Мухаммад Али Эшон рахбар этиб сайланган эди.

Мухаммад Али Эшон дархол ишга киришиб, газотга тайёргарликни бошлаб юборади ва Фаргона водийсидаги машхур кишиларга, жумладан, Мухаммадалибой, Сомий ва Холикберди охун, Саид Ахмадхўжа, Курбонжон додхох, Мухаммад Юсуф эшон, Яхёхон тўра хожи ва бошқаларга мактублари жўнатади.

Бирок белгиланган вақтга, яъни 1898 йил 15 январга айтилган кишиларнинг хаммаси хам

келмайди. Окибатда дастлабки уриниш колдирилади.

Бу орада махаллий халklarнинг Дукчи Эшон бошчилигидаги бошланиши мукаррар бўлган кўзголончи хакида рус хукумати ҳам хабардор бўлади ва унинг олдини олиш максатида турли фитналар ва игволарни режалаштира бошлайди.

Кўзголончиларнинг сусайиб колган тайёргарликлари яна тезлаша бошлайди, бироқ энди уни кўринмас бир куч бошқараётгандек туюлади. 1898 йил 17 май куни икки юздан ортик газабга тўлган оломон Эшоннинг уйига бостириб келишади ва уни ок кигизга ўтказиб, хон деб эълон қилишади. Бироқ, режа бўйича унинг жияни Абдулазиз хон этиб кўтарилиши лозим эди.

Кўзголончилар шу ердан тўгри Андижонга қараб юриш бошлайдилар. Йўл-йўлакай бошқа кишлокларнинг ахосиси ҳам кўзголончиларга кўшилиб боради. Кўзголончилар Андижоннинг эски шаҳарида жойлашган 20-Туркистон линия батальони казармасига бостириб киришади. Улар 30 га яқин милтикни ўлжа олиб, ухлаб ётган солдатларни ўлдиришади. Бироқ, кейинги хоналарда ётган казаклар уйғониб, кўзголончиларга қарши отишмаларни бошлаб юбордилар. Бир неча дақиқа давом этган отишмалардан сўнг кўзголончилар чекинадилар. Кўплаб кўзголончилар ўлдирилади ва ярадор қилинади. Казаклардан 23 киши ўлдирилади. Кўзголондан хабар топган подшо Николай II Туркистон генерал губернатори бирон Вревскийни лавозимидан четлаштириб, ўрнига вақтинча Сирдарё харбий губернатори Н.И.Корольковни тайинлайди.

Корольков жазо экспедицияси ташкил этиб, кўзголон бўлган худудларда кўплаб қиргинлар ва жазоларни амалга оширдилар. Минтирада уч соат давомида тўплардан ўк узиб, уни ер билан яқсон қилдилар. Ахосини кўчириб юбордилар. Кўплаб ахоси эса бунгача тоғларга қочиб кетишга улгурган эди. Андижонда ҳам кўплаб одамлар қамокка олиндилар.

Қочиб кетган Мухаммад Али Эшон Арслонбоб яқинидаги тошқўприк деган жойда миллатфуруш кўконкишлоклик Кодиркул ва Ёқуб қўрбошилар томонидан ушлаб олиниб, рус маъмуриятига топширилди. Шунга қарамай кўзголонлар давом этди ва қуз қаслигача чўзилди.

Кўзголон натижасида хибсга олинганлар қўпчиликни ташкил этган ва рус хукумати томонидан шафқатсиз жазоланган. Қамокка олинган 400 дан ортиқроқ тутқунлар умумий ҳисобда 4621 йилга қамок қаторга ишларига ҳукм қилинганлар.

Мухаммад Али Эшон бошчилигидаги кўзголон раҳбарлари эса 1898 йил 25 июнда Янги шаҳар Тупрокқўргон олдида дорга осиб ўлдирилди. Шу тариқа 1898 йил май ойида Андижон халқи томонидан рус мустамлака сиёсати ва ҳукмронлигига қарши Мухаммад Али Эшон бошчилигида юз берган кўзголон мағлубиятга учради.

XX аср бошларига келиб Россия империяси сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан инкироз ёқасига келиб қолди. Мамлакатнинг ҳамма бурчакларида ҳукуматга қарши чиқишлар, галаёнлар, иш ташлашлар ва кўзголонлар авж олди. 1901 йил ҳосилсизлик туфайли юзага келган очарчилик ва иқтисодий танглик, 1904-1905 йиллардаги рус-япон урушидаги мағлубият умумий аҳволни янада оғирлаштириб юборди. Вазиятдан қутулиш учун ҳукумат солиқларни ошириб юборди. Окибатда кишлоклардаги дехқонлар хонавайрон бўлдилар. Россияда юз бераётган бу иқтисодий ва сиёсий бўҳронларнинг тўлкини Туркистонга ҳам етиб қелди. Туркистон дехқонлари ҳам мустамлақачи ҳукуматга қарши кўплаб галаёнлар қўтардилар.

1905 йил қиш ойларида Фарғона вилояти, Самарқанд ва Андижон ҳамда Сирдарё

вилоятларида дехконларнинг галаёнлари авж олди. Наманган уездининг Янгикўргон, Сарисув, Богиш волостларида сайловлар вақтида кўтарилган галаёнлар туфайли сайловлар ҳам амалга оширилмади. Бундай галаёнлар Чоткол волостида, Тепакўргон, Кирчин, Корасув, Олтин кайрагоч, Ок йўл ва бошка кишлокларда ҳам бўлиб ўтди. 1905 йил Наманган уездига карашли Саричсув волостининг Афлотун кишлогида бир ярим мингдан ортик киргизлар тўпланиб, элликбоши ва сайлов ўтказувчи амалдорларни дўппослашди.

1905 йил бахорига келиб Фаргона вилоятида дехконлар харакатлари, галаёнлари, амалдорларни дўппослаш, сайловларнинг адолатсизлигига карши норозилик ва хокимиятга талаблар билан чиқишлар кўпайди.

Юзага келган бундай вазият рус мустамлакачи маъмуриятини каттик ташвишга солди ва улар Туркистонда ахволнинг ниҳоятда, жиддий тус олганлигини эътироф этиб, ўлкада «кучайтирилган мухофаза» ҳолатининг муддатини узайтиришни мақсадга мувофиқ деб топдилар. Бирок кескинлашиб бораётган зиддиятли вазиятни бартараф этишга ожизлик килдилар. Туркистон ўлкасининг турли жойларида дехконлар галаёнлари озодлик харакатлари давом этиб турди.

XX аср дастлабки ўн йиллигида Туркистонда содир бўлган энг йирик дехконлар харакатлари Намоз Пиримкулов бошчилигидаги харакат эди. Халк томонидан «Намоз ботир» деб улугланган бу инсон мустамлакачилар томонидан «Намоз ўгри» сифатида аталиб, унга карши жиноий ишлар кўзгадилар, унинг килаётган ишларини «ўгрилик ва талончилик» деб атаб, сохта маълумотлар хар доим вақтли матбуотда халкка нотўгри етказиб бера бошладилар.

Намоз Пиримкулов 1904-1907 йилларда Самарканд вилоятининг тоғ ва кишлокларида мустамлакачилар ва уларнинг иттифокларига айланган махаллий бойлар ва савдогарларга карши кураш олиб борди.

Намоз халкка зарари тегаётган, халкни зўравонлик ва судхўрлик билан талаётган юкори табака вакиллари аёвсиз жазолаб, улардан тортиб олинган молларни бева бечораларга ва камбагалларга бўлиб бера бошлади.

Шундай харакатлардан бири 1905 йил 10 майда Каттакўргон бозорида амалга оширилди. Намоз ва унинг одамлари бозорни ўраб олиб, бозордан кайтаётган бойлар ва савдогарларни талаб, ўлжа олинган молларни шу ернинг ўзидаёқ камбагалларга улашиб берадилар.

Оғалик кишлоги оксоколи Амин Назар Мухаммад, Арабхон кишлоги мингбошиси Хидирбоев, яна бир мингбоши Лутфулла Хўжаевлар мустамлакачиларга содик хизматкор бўлганликлари учун Намоз ва унинг одамлари томонидан ўлдирилдилар ва кўргонларга ўт кўйиб, мол-мулки халкка улашиб берилди.

1905 йил ёз ва куз ойларида Жомда ва бошка жойларда катта савдо карвонлари кўлга олинади. Бирок шу вақтда Хўжаарик волости бошқарувчиси Лутфулла Хўжаевнинг хоинлиги туфайли Намоз ва унинг 50 кишидан иборат шериклари капитан Полов кўшинлари томонидан хибсга олинади. Намоз камокдан ер остидан лахм кавлаб кочиб кетишга муваффақ бўлади. Шу воқеадан сўнг Намозчиларга карши жазо отрядлари ишларини шахсан Туркистон генерал губернатори Н.И.Гродеков назорат кила бошлайди. Намоз йигитлари орасига жосуслар юборила бошланди. Шундай жосус ва хоинлардан бири Ширин Мухаммадов исмли кимса эди.

Мустамлака маъмурияти Намоз ва унинг йигитларини тутиш ишларини кенгайтириб боради ва бир катор харбий бўлинмаларни шу ишга жалб килади. Бу операцияга рахбар



этиб Самарканд харбий губернатори ёрдамчиси полковникнинг Сусанино тайинлайди. Амир Абдулахадхон ҳам намозни тутиш операциясига жалб этилади. Бу ишларни 1907 йил 28 майда бошлашни назарда тутиб, Бухоро черагасида 12 пост, Самарканд ва Каттакўргон худудларида 10 та кузатув постлари қуйилади. Амир ҳам ўз сарбозларини шу ишга жалб этади. Оқибатда, бўлиб ўтган тенгсиз жанглардан сўнг Намоз ва унинг йигитлари катта талофатларга учрайдилар.

Бирок шу вақт намозчилар орасида фитна кўзгалиб, Намоз Пиримкулов ўлдирилади. Намознинг ўлими билан ўлкадаги дехконлар галаёнлари тўхтаб қолмади ва рус ҳукуматини дахшатга солиб вақти-вақти билан кўтарилиб турди.

Рус мустамлака ҳукуматининг зўравонлик сиёсатига қарши бўлиб ўтган энг катта норозилик ҳаракатлари қуролли курашларидан бири тарихда «Жиззах кўзголови» деб ном олган 1916 йилги миллий-озодлик курашлари эди.

Россия империяси биринчи жаҳон урушига қирғач, тез орада унинг харбий ва иқтисодий салоҳияти Европа давлатларига нисбатан анча қолоқ ва заиф эканлиги аён бўлиб қолди. Фронтдаги етишмовчиликлар, ўқ-дори ва озик-овқат маҳсулотларининг етарли эмаслиги, фронт ортидаги ишларнинг сусайиб кетганлиги Россия империяси ҳукуматини Туркистонга нисбатан мустамлакачилик зулмини янада оширишга олиб келди.

Харбийликка олиниши таъқиқланган Туркистонликларни «фронт ортида армия эҳтиёжларини қондириш» мақсадида мардикорлик ишларига олишга қарор қилинди. Шошма-шошарлик ва аниқ ўйлаб чиқилмаган режани амалга ошириш мақсадида подшо Николай II 1916 йил 25 июнда «фронт орқасидаги хизматлар учун Туркистон, Сибирь ва Кавказда САPut!» ёшдан 43 ёшгача бўлган эркакларни сафарбар қилиш» тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Фармонга кўра, Сирдарё вилоятидан 87 минг, Самарканд вилоятидан 38 минг, Фарғона вилоятидан 50 минг мардикор юбориш белгиланди ва бу вазифаларни зудлик билан амалга ошириш Туркистон генерал губернатори зиммасига юклатилди. Вилоятларда дарҳол фармонни ижро этишга қилишилди. Фарғона вилояти харбий губернатори А.Гиппиус Фарғона вилоятидаги шароитни ҳисобга олиб, бу фармонни бирданига бажариш нотўғри эканлиги ҳақида ҳокимиятни огохлантиради. Бирок у фармонни ижро этишни атайлаб бузганликда айблаб ишдан олиб ташлашди ва унинг ўрнига шовинист харбийларидан бири полковник П.Иванов тайинланади. Мардикорликка олишга қарши ўлканинг турли худудларида кўзголонлар бошланиб кетади.

Норозилик ҳаракатлари дастлаб аҳоли зич жойлашган марказларидан бири Хўжандда бошланади. 1916 йилнинг 4 июль куни 6000 дан ортиқ эркаклар ва аёллар маъмуриятга қарши очикдан-очик мардикорликка фарзандларимизни бермаймиз, деб кўзголон кўтардилар. Кўзголон харбийлар томонидан бостирилди ва намойишчилар ўққа тутилди. Худди шундай ҳаракат Самарканд вилоятининг Ургут туманида 5 июль куни бўлиб ўтди. Мардикорлар рўйхати йўқ қилинди, маҳкама хизматчилари қалтакланди.

Самарканд вилоятининг Сиёб, Хўжа Ахрор, Ангор ва бошқа волостлари ва қишлоқларида ҳам шундай чиқишлар содир бўлди.

7 июль куни Дахбед қишлоғида ҳоин Саидмурод Қобилов тузган рўйхатда фақат камбағалларнинг болалари ёзилгани учун халқ Усмон Абдурасулов бошчилигидаги маҳкама хизматчиларини қалтакладилар. Бунда Усмон Абдурасулов яраланди ва кўзголон катта қуч билан бостирилди. Очил Бобожонов, Раҳимберди Иқромов, Маҳмудхўжа Мирзахўжаевлар бошчилигида мардикорликка олиш ишларига қарши

бўлган ва факатгина камбагалларнинг болалари рўйхатга киритилганидан норози бўлган Тошкент ахолиси ҳам 11 июлда маъмуриятга карши норозилик намойиши ва кўзголон бошлади. Кўзголонда аёллар ҳам фаол иштирок этди. Кўзголончилар полициячилар томонидан ўкка тутилди ва бир канча кўзголончилар огир ярадор бўлдилар. /азабланган халк полициячилар ва казакларга карши чинакам уруш бошлаб юбордилар. Окибатда, чор аскарлари полиция бошкармаси ичига кириб яшириниб олишга мажбур бўлди. Кўзголон кечгача давом этди ва генерал Галкин ҳамда подполковник Савицкийлар бошчилигидаги жазо отрядлари томонидан бостирилди. Бутун ўлкада чоризм сиёсатига карши кўзголонлар кучайиб борди. 9 июль куни Андижонда, Тошкент шаҳри атрофидаги бир катор кишлокларда 10 июль куни эски Маргилонда, Шахрихон ва бошка жойларда дехконлар ва хунармандлар, косиблар ва бошкаларнинг чикишлари умумхалк кўзголони ва курашига айланиб кетди.

Жиззахдаги норозилик харакатлари эса том маънодаги озодлик урушига айланиб кетди. Жиззахликлар душманга карши газовот эълон килдилар. Кўзголонга Назирхўжа эшон ва Абдурахмон жевачи бошчилик килдилар. Кўзголон 13 июлда шахар оксоколининг ўлдирилиши билан бошланди. Халк мингбоши махкамасига бостириб кирганда, жазо учун етиб келган полковник фукин отрядлари кўзголончиларни ўкка тутди бошлади. Бирок кўзголончилар чор аскарларига зарба бериб, Фукин ва унинг ёрдамчиларини ўлдиришга муваффақ бўлдилар.

Ёрдамга етиб келган полковник Афанасьевнинг жазо отряди ҳам Янги Жиззах станциясида туриб колишга мажбур этилди. Атрофдаги кишлоклардан келаётган халк кўзголончилар сафини кенгайтди. Кўзголончилар темир йўл станциялари, улардаги нефть захарлари, алока симларини вайрон килдилар ва йўк килдилар. Афанасьев кўшинлари ўз марраларидан чекина бошладилар.

14 июлда кўзголон Богдон, Фориш, Синтоб бекликларига ҳам таркалди.

Богдондаги кўзголонга рахбарлик килган Абдурахмон жевачи Жиззахликлар билан кўшилишга қарор килди. Бирок бу пайтда Жиззахга Тошкентдан 2,5 минг кишилик жазо отрядлари туп ва бошка куруллар билан биргаликда келаётган эди. Назирхўжа эшон бошчилигидаги Жиззахликлар жазо отрядлари томонидан аёвсиз ўкка тутилди ва улардан омон қолган 600 кишилик гуруҳ Абдурахмон жевачи кўшинлари сафларига кўшилди.

Абдурахмон девачи 20-21 июль кунлари Афанасьев кўшинларига зарба бериб, уни чекинишга мажбур килди ва мағлубиятга учратаётган вақтда полковник Иванов отрядлари ёрдамга етиб келди ва кўзголончиларга зарба берди. Кўзголончилар мағлубиятга учратилгач, кўзголон бўлиб ўтган барча шахар ва кишлокларда аёвсиз жазо ишлари, хунрезлик амалга оширилди. Абдурахмон жевачи ва у билан бир сафда туриб курашган 12 киши осиб ўлдирилди. Кўзголон бостирилган бўлса ҳам, чор харбийларидан каттагина қисми Жиззахда ўлим топди. Кўзголон давомида рус харбийларидан 260 га яқин, рус ахолисидан эса 4000 га яқин киши ўлдирилди ва бедарак йўқолди. Бу ҳақда 1916 йил 13 декабрда IV давлат думасида сўзга чиққан ноиб А.Ф.Керенский «уруш фронтларига янги бир фронт туркистон fronti кўшилди» деб таъкидлаган эди. Рус маъмурияти, кўзголонларни бостириб, ўз мақсадларига қисман эришган бўлсада, бу билан халкнинг озодликка бўлган интилишини йўқ қила олмади.

Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика Университети «Ватан тарихи»  
кафедраси